



*Э.Т. Мадхаликов*  
Э.Т. Мадхаликов

5-сентябр 2022йил

Наманган 2-тиббийёт коллежи фаолиятида фойдаланиш учун куйдаги курсатилган товар ва махсулотларни етказиб берувчи корхона (ташкилот)ни саралаш бўйича

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

### 1. Умумий маълумотлар

1.1 : Буюртмачи Наманган 2-тиббийёт коллежи  
Ташкилий-ҳуқуқий шакли укув юрти, коллеж  
Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Наманган вилояти,  
Янги Наманган туман Гузал даха 14-уй  
Директор: Э.Т.Мадхаликов

1.2. Наманган 2-тиббийёт коллежининг тендер комиссияси томонидан ижрочи (етказиб берувчи) – корхона (ташкилот) ёки тадбиркорлик субъекти аниқланади.

1.3. Танловнинг максимал қиймати: жами етказиб бериладиган махсулотлар учун Наманган 2-тиббийёт коллежида янги ташкил этилган ва 5 та хонадан иборат булган “Симуляция Маркази”ни замонави хамда чет эл тажрибасига мувофик лаборатория жихозлари, яъни биологик микроскоплар билан жихозлаш максидида 34 000 000 сум қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.4. Буюртмачи томонидан талаб қилинадиган товар (махсулотлар) тури техник топшириққа иловада рус тилида келтирилган.

### 2. Танлов максиди.

2.1. Наманган 2-тиббийёт коллежида янги ташкил этилган ва 5 та хонадан иборат булган “Симуляция Маркази”ни замонави хамда чет эл тажрибасига мувофик кургазмали медицина ва лаборатория жихозлари билан жихозлаш.

### 3. Танлов иштирокчилари.

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахс, шу жумладан, кичик бизнес субъектлари хам иштирок этиши мумкин. 4.4.-бандда келтирилган тадбиркорлик субъектлари бундан мустасно.

### 4. Ижрочиға бўлган талаб.

4.1. Ижрочи давлат рўйхатидан ўтган, мазкур хизматни кўрсатиш бўйича тегишли рухсатномага эга бўлиши лозим.

4.2. Ижрочи кўрсатиладиган хизматни ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлашни лозим.

4.3. Иштирокчи танловда иштирок этиш учун, танлов ҳужжатлари талабларига мувофик куйидаги ҳужжатларни электрон шаклда тақдим этиши лозим:

- Давлат руйхатидан утганлиги туғрисида гувоҳнома, лицензия ва мазкур ишларни бажариш бўйича рухсат берувчи ҳужжатлар нусхалари;
- Мавжуд техникалари, махсус ихтисослаштирилган асосий воситалар туғрисида маълумот;
- хизмат кўрсатиш учун тегишли идоралардан рухсат олинганлиги туғрисида ҳужжатлар.

4.4. Қуйидаги тадбиркорлик субъектларига танловда иштирок этишга рухсат берилмайди:

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлса;
- инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилган бўлса;
- солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда банк муассасаларидан олинган ва туланмай турган кредит маблағлари бўйича муддати ўтган қарздорлиги мавжуд бўлса.

4.5. Иштирокчи қуйидаги ҳолларда танловдан четлаштирилади:

- иштирокчи бевосита ёки билвосита буюртмачининг танловда иштирокчиларни танлашда масъул бўлган шахслар билан ноқонуний келишувлар орқали қарор натижасини ўз фойдасига ҳал қилиниши учун таъсир ўтказувчи ҳаракатларни амалга оширилганда;
- иштирокчининг қонунчиликка зид бўлган адолатсиз рақобат ёки афзалликларга эга бўлса.

## 5. Бошқа шартлар.

5.1. Тўлов шартлари: Ижрочи томонидан кўрсатилган хизмат бўйича ҳисоб-варақ фактура тақдим этилиши лозим.

5.2. Буюртмачи томонидан тўловлар, ҳисоб-варақ фактура тақдим этилган санадан бошлаб 3 ой давомида амалга оширилади.

Илова

### Кўрсатилиши лозим бўлган хизмат

Хизмат тури	Хизмат сони
Наманган 2-тиббиёт коллежида янги ташкил этилган ва 5 та хонадан иборат бўлган “Симуляция Маркази”ни замонави ҳамда чет эл тажрибасига мувофиқ кургазмали лаборатория жихозлари, яъни биологик микроскоплар билан жихозлаш.	Буюртмачининг талаби асосида